



ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ФАРМАЗОЛИН® Н

Препаратнинг савдо номи: Фармазолин® Н

Таъсир этувчи модда (ХПН): ксилометазолин гидрохлориди

Дори шакли: назал спрей

Таркиби:

1 мл препарат қуйидагиларни сақлайди:

фаол модда: 1 мг ксилометазолин гидрохлориди 100% моддага қайта ҳисоблаганда;

ёрдамчи моддалар: бензалконий хлориди; натрий хлориди; натрий дигидрофосфати, дигидрати; натрий гидрофосфати, додекагидрати; инъекция учун сув.

Таърифи: тиниқ, рангсиз суюқлик.

Фармакотерапевтик гуруҳи: ЛОР-аъзолари касалликларини даволаш учун восита. Бурун бўшлиғи касалликларида маҳаллий қўллаш учун шишга қарши ва бошқа препаратлар. Симпатомиметиклар, оддий препаратлар.

АТХ коди: P01AA07

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Ксилометазолин α -адренергик рецепторларга таъсир килувчи симпатомиметик агент ҳисобланади.

Фармазолин® Н бурун шиллиқ қавати, унинг қўшимча бўшлиқлари шиши ва гиперемиясини камайтириб, бурун қон томирларининг торайишига олиб келади ва шу тариқа бурун ҳамда қўшимча бўшлиқлар тикилиб қолганда бурун орқали нафас олишни яхшилайти.

Препаратнинг таъсири қўллангандан бир неча минут ўтгач бошланади ва 12 соатгача (масалан, тун бўйи) давом этади.

Препарат яхши ўзлаштирилади, шу жумладан сезгир шиллиқ қавати бўлган пациентлар томонидан ҳам. Препарат мукоцилиар функцияни пасайтирмайди. Фармазолин® Н бурун бўшлиғига хос бўлган чегараларда мувозанатли рН қийматига эга.

In vitro шароитидаги тадқиқотларида ксилометазолин оддий шамоллаш билан боғлиқ бўлган одам риновирусининг инфекция фаоллигини пасайтириши кўрсатилган.

Фармакокинетикаси

Маҳаллий қўлланганда ксилометазолиннинг қон плазмасидаги концентрацияси шунчалик кичикки, уларни замонавий аналитик усуллар билан аниқлаб бўлмайди.

Қўлланилиши

- Шамоллаш, пичан иситмаси, аллергия ринитлар, синуситларда бурун битишини симптоматик даволаш.
- Бурун олди бўшлиқлари касалликларида секрет оқшини енгиллаштириш учун.
- Ўрта отитда ёрдамчи терапия (шиллик қават шишини бартараф этиш учун).
- Риноскопия ўтказишни осонлаштириш учун қўлланади.

Қўллаш усули ва дозалари

Катталар ва 12 ёшдан ошган болалар учун


Ҳар бир бурун тешигига 1 тадан суткада 3 марта юбориш буюрилади.

Максимал суткалик доза – 3 та инъекция.

Даволаш давомийлиги касалликнинг кечишига боғлиқ бўлиб, кетма-кет 10 кундан ошмаслиги керак.

Қўллаш усули

1. Препаратни қўллашдан олдин бурунни яхшилаб тозалаш керак. Қўллашдан олдин препарати билан флаконни кафтда ушлаб, тана ҳароратигача иситиш лозим. Препаратни қўллаш вақтида флаконни вертикал ҳолатда, пуркагични юқорига қаратиб ушланг.
2. Фойдаланишдан олдин флаконнинг ҳимоя қопқоғини ечиб олинг.
3. Учликни бурун катагига қўйиш, қисқа кескин ҳаракат билан флаконни сиқиш ва учликни бурундан чиқариб, очиш. Инъекция вақтида бироз бурун орқали нафас олиш тавсия этилади.
4. Препаратни ишлатгандан сўнг, флаконни ҳимоя қопқоғи билан ёпинг ва йўриқномада келтирилган тавсияларга мувофиқ сақланг. Инфекция юқишининг олдини олиш мақсадида препарати билан ҳар бир флакондан фақат бир киши фойдаланиши мумкин.



Ножўя таъсирлари

Иммунитет тизими томонидан: ўта юқори сезувчанлик реакциялари, шу жумладан ангионевротик шиш, тошма, қичишиш.

Нерв тизими томонидан: бош оғриғи.

Қўриш аъзолари томонидан: қўришнинг вақтинчалик бузилиши.

Юрак-қон томир тизими томонидан: номунтазам ёки тезлашган юрак уриши.

Нафас олиш аъзолари, қўқрак қафаси ва қўкс оралиғи томонидан: бурун шиллик қаватининг қуруқлиғи ёки дискамфорт, бурундан қон кетиши.

Меъда-ичак йўллари томонидан: кўнгил айланиши.

Юборилган жойдаги умумий бузилишлар ва реакциялар: юборилган жойда ачишиш ҳисси.

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлари

- Препарат компонентларига юқори сезувчанлик.
- Ўткир коронар касалликлар, коронар астма, гипертиреоз, глаукоманинг ёпиқ бурчакли шакли, қуруқ ринит (*rhinitis sicca*) ёки атрофик ринит, бош-мия қаттиқ парда қобиғининг очиш билан ўтказиладиган жарроҳлик амалиётлари ёки трансфеноидал гипопизектомия.
- MAO ингибиторлари билан ёндош даволаш ва уларни қўллаш тўхтатилгандан кейин 2 ҳафта давомида қўллаш мумкин эмас.

Дориларнинг ўзаро таъсири

Моноаминоксидаза ингибиторлари (MAO ингибиторлари): Ксилометазолин моноаминоксидаза ингибиторларининг таъсирини кучайтириши мумкин, бу эса гипертония кризини келтириб чиқариши мумкин. Ксилометазолин MAO ингибиторларини қабул қилаётган ёки охириги икки ҳафта давомида қабул қилган пациентларга тавсия этилмайди.

Три- ва тетрациклик антидепрессантлар: три- ёки тетрациклик антидепрессантлар ва симпатомиметик препаратлар бир вақтда қўлланганда ксилометазолиннинг симпатомиметик таъсири кучайиши мумкин, шунинг учун бундай воситаларни бир вақтда қўллаш тавсия этилмайди.

β -блокаторлар билан бирга қўлланганда бронхиал спазм ёки артериал босимининг пасайишини келтириб чиқариши мумкин.

Махсус кўрсатмалар

Препаратни кетма-кет 10 кундан ортиқ қўллаш мумкин эмас. Ҳаддан ташқари узоқ вақт ёки ҳаддан ташқари кўп қўллаш бурун битишининг қайталанишига ва/ёки бурун шиллик қаватининг атрофиясига олиб келиши мумкин.

Препаратнинг тавсия этилган дозасини, айниқса, болалар ва кекса ёшлиларда даволашда оширмаслик керак.

Препаратни юрак-қон томир касалликлари, артериал босими ошиши, қандли диабет, простата бези гипертрофияси, феохромоцитомаси бўлган пациентларга эҳтимолий тизимли симпатомиметик таъсири туфайли эҳтиёткорлик билан буюриш лозим. Препарат, бошқа симпатомиметиклар каби, уйку бузилиши, бош айланиши, титроқ, юрак аритмияси, артериал босимининг кўтарилиши кўринишида намоён бўладиган адренергик воситаларга кучли реакцияси бўлган пациентларга эҳтиёткорлик билан буюрилиши керак.

Ксилометазолин қабул қилаётган QT узайган синдроми бўлган пациентларда жиддий қоринча аритмиялари ривожланиш хавфи юқори бўлиши мумкин.

Препарат таркибида терини ва шиллик қаватни таъсирлаши мумкин бўлган бензалконий хлорид сақлайди.

Болаларда қўллаш бўйича чекловлар

Препарат 12 ёшдан ошган болаларга қўлланилади.

Ҳомиладорлик ёки эмизиш даврида қўллаш

Препаратни ҳомиладорлик даврида қўллаш мумкин эмас, чунки у қон-томирларни торайтириши мумкин.

Янги туғилган чакалоққа ҳар қандай ножўя таъсир кўрсатиши ҳақида далиллар йўқ. Ксилометазолиннинг кўкрак сутига экскрецияланиши номаълум, шунинг учун эҳтиёткорлик зарур ва препаратни эмизиш вақтида фақат шифокор кўрсатмаси бўйича қўллаш лозим.

Фертиллик

Препаратнинг фертилликка таъсири ҳақида тегишли маълумотлар йўқ. Ксилометазолин гидрохлориднинг тизимли таъсири жуда паст бўлганлиги сабабли, фертилликка таъсир қилиш эҳтимоли жуда паст.

Автотранспорт ёки бошқа механизмларни бошқаришда реакция тезлигига таъсир қилиш қобилияти

Одатда препарат транспорт воситаларини бошқариш ёки механизмлар билан ишлаш қобилиятига таъсир кўрсатмайди ёки кам таъсир кўрсатади.

Дозани ошириб юборилиши

Ксилометазолин гидрохлоридни ҳаддан ташқари кўп миқдорда маҳаллий қўллаш ёки тасодифан ичга қабул қилиш кучли бош айланиши, кўп терлаш, тана ҳароратининг сезиларли даражада пасайиши, бош оғриғи, брадикардия, артериал гипертензия, нафас олишнинг пасайиши, кома ва тирилишлар пайдо бўлишига олиб келиши мумкин. Юқори артериал босими пасайган артериал босимига ўзгариши мумкин. Кичик ёшдаги болалар токсикликка катталарга қараганда сезгирроқ бўлади.

Дозани ошириб юборишга шубҳа қилинган барча пациентларга тегишли бир маромда тутиб турувчи чора-тадбирлар, шунингдек, зарурат туғилганда, шифокор назорати остида шошилишч симптоматик даволаш тайинланиши лозим. Тиббий ёрдам пациентни бир неча соат давомида кузатишни ўз ичига олиши керак. Юрак тўхташи билан кечадиган оғир дозани ошириб юбориш ҳолатида реанимация тадбирлари камида 1 соат давом этиши керак.

Чиқарилиши шакли

15 мл дан флаконда. 1 флакон тиббиётда қўлланилишига доир йўриқномаси билан бирга пачкада.

Сақлаш шароити

Ёруғликдан химояланган жойда, 25°C дан юқори бўлмаган ҳароратда сақлансин. Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилиқ муддати

3 йил.

Ўрамида кўрсатилган яроқлилиқ муддати тугагандан кейин препаратни ишлатманг.

Дорихоналардан бериш артиби

Рецептсиз.

Ишлаб чиқарувчи

"Фармак" АЖ. Украина, 04080, Киев шаҳри, Кирилловская кўчаси, 63-уй.

Ишлаб чиқарувчининг жойлашган жойи ва унинг фаолияти амалга ошириладиган жойнинг манзили:

Украина, 04080, Киев ш., Кирилловская кўчаси, 74.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида дори воситаларининг сифати бўйича эътирозларни (таклифларни) қабул қилувчи ташкилотнинг номи ва манзили:

"Фармак" АЖнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси.

100170 Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Зиёлилар кўчаси 12а, 1/2

e-mail: info@farmak.ua

Тел.: +998 (55) 512-77-13